



ТОШКЕНТ



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ


ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 117 (9.309) 1999 йил 8 октябрь, жума

Сотувда эркин нархда

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ



6 октябрь. Сеул. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бугун эрталаб Президент Исло Каримов Корея Республикаси молия ва иқтисодиёт вазири Канг Бонг Кюн билан учрашди. Сухбат чоғида Ўзбекистонга киритилаётган сармоя ҳажмини ошириш, юртимиз билан ҳамкорлик қилаётган фирма ва компанияларни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Сеулдаги Миллий қабристонда оройиш топган ватан ҳимоячилари ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Корея Республикаси Миллий Йиғини раиси Пак Жунг Кюн билан бўлган учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасида алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Президент Исло Каримов Миллий Йиғин фаолияти, қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар билан танишди, парламент биносини кўздан кечирди.

Тушда эса «Лотте» меҳмонхонасида Жанубий Кореянинг тўртта йирик ташкилоти томонидан Президент Исло Каримов шарафига қабул маросими уюштирилди. Мазкур ташкилотлар — Ишлаб чиқарувчилар федерацияси, Ташқи савдо уюшмаси, Савдо палатаси ҳамда Кичик ва ўрта бизнес федерацияси бўлиб, уларнинг барчасида Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилиш кучли. Буни, тадбирни очар экан, Ишлаб чиқарувчилар федерацияси раҳбари, «ДЭУ» компания-

лари гуруҳи раиси Ким У Жунг яна бир қарра тасдиқлади. Ўзбекистоннинг табиий захиралари ва ишчи кучи, корейс технологияси ва сармояси ҳамкорлик ривож учун муҳим омил бўлади. Исло Каримовнинг мазкур ташрифи фақатгина икки давлат билангина эмас, балки икки минтақа — Шарқий Осиё ва МДХ ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига ҳам катта туртки бўлади, деди у.

Шундан сўнг Исло Каримов сўз олиб, ўзбекистонлик ишбилармонлар корейс халқини яхши танишини, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида азалдан мустақамланган дўстлик алоқалари қарор топганини таъкидлади. Давлатлараро муносабатлар иқтисодий алоқалар пойдевори устига қурилади. Иқтисодий ҳамкорлик бошқа соҳалардаги муносабатларни ҳам мустақамлайди. Жанубий Корея эса Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий шеригидир, деди Исло Каримов.

Куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари Сеул политехника коллежига борди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎЗА).

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримовнинг Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Жунг билан учрашуви пайти.

Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИ ҲИНД ТИЛИДА

Президент Исло Каримовнинг 1997 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби хорижий мамлакатлар сиёсий, илмий ва ишбилармон доираларида катта қизиқиш уйғотишида давом этмоқда.

Мазкур китоб араб, инглиз,

иврит, корейс, немис, турк ва француз тилларига таржима қилиниб, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида нашр этилган эди.

Яқинда Ҳиндистоннинг йирик ноширлик компанияларидан бири «UBS Publisher Distributors Ltd» Президент Исло Каримов китобини ҳинд тилида босмадан чиқарди. Нашрга Ҳиндистон ташқи ишлар вази-

ри Жасвант Сингх сўзбоши ёзган.

«Президент Исло Каримовнинг ҳинд тилида чоп этилган китобига сўзбоши ёзиш мен учун юксак шараф, — деб ёзади Жасвант Сингх. — XXI аср арафасида Ўзбекистон олдида турган долзарб муаммоларнинг танқидий кўз билан ўрганиб чиқилгани

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ УКРАИНАГА ТАШРИФИ

7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов расмий ташриф билан Украинага жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунгача Украинага уч бор сафар қилган эди. Ўзбекистон билан Украина ўртасида узоқ йиллик аъёнага эга бўлган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янги босқичга кўтаришда мазкур ташрифларнинг аҳамияти катта бўлди. Дарҳақиқат, мазкур ташрифлар давомида олиб борилган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар икки давлатни стратегик ҳамкорлар даражасига олиб чиқди.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 300 миллион АҚШ долларига етди. Ўзбекистон Украинага пахта, рангли метал, газ, тамаки, томат, газлама каби кўплаб турдаги маҳсулотларни етказиб бермоқда. Украинага юборилаётган биргина газнинг ўзи ўтган йили 10 миллиард кубметрни ташкил қилди. Ўзбекистон ҳам, Украина ҳам самолётсозлик соҳасига эга давлатлардир. Бу соҳада ҳам изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз раҳбарининг Украинага бу галги расмий ташрифи ҳам музокараларга бой бўлади. Ташриф давомида Президент Исло Каримовнинг Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашуви кўзда тутилган. Музокаралар якунида эса икки давлат ўртасида 1999-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎЗА)

КИЕВ. ЎЗА махсус мухбири Беҳзод Усмонов хабар қилади:

7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов расмий ташриф билан Украинага келди. Киевнинг Бориспол аэропортида давлатимиз раҳбарини Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенко кутиб олди.

Мариин саройида Исло Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Украина Президенти Леонид Кучма Ўзбекистон раҳбарини самимий қарши олди. Ўзбекистон ва Украина Давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Маросимдан сўнг Исло Каримов билан Леонид Кучма ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари хусусида фикр алмашдилар.

Шундан кейин Исло Каримов ва Леонид Кучма иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Унда Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма икки давлат ўртасида барча соҳаларда стратегик ҳамкорликни мустақамлаш тўғрисидаги Ёаёнотни, Ўзбекистон билан Украина ўртасида 1999-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни имзоладилар.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ва Украина ташқи ишлар вазири Б.Тарасюк Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги икки томонлама фуқаролик ҳолатларининг олдини олиш тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳақидаги Протоколга имзо чекдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Исло Каримов Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенкони қабул қилди. Сухбат чоғида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Украина миллий телевидениесининг биринчи каналига интервью берди.

Оқшом Мариин саройида Президент Исло Каримов шарафига Украина Президенти номидан қабул маросими ўтказилди.

Ўзбекистон Президентининг Украинага расмий ташрифи давом этмоқда.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

ИСЛОМ ҚАРИМОВ КИТОБИ ҲИНД ТИЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

китобда ўз ифодасини топган».

Сўзбоши муаллифининг фикрича, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё тарихий ва географик жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ. Китобда ифода этилган хавфсизлик ва барқарорлик муаммолари бўйича қарашлар ҳам ўзбекистонлик ҳам ҳиндистонлик сиёсатшунослар, социологлар ва стратегия тадқиқотчилари учун фавқуллодда муҳимдир, деб таъкидлайди

Ҳиндистон ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғи.

Жасвант Сингхнинг эътирофича, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг тарихий илдизлари узоқ қадимий ўтмишга бориб тақалади ва мазкур ҳолатга ҳали ҳам етарлича эътибор қаратилаётгани йўқ, ёзади у. Муаллифнинг фикрича, ушбу муносабатлар Ҳиндистон тарихида янги йўналиш ясаган ўрта асрлар давридан бошланган. Бу ўринда Ҳиндистоннинг нафақат маънавий меросида чуқур из қолдирган, балки тарихининг

бир бўлаги бўлиб қолган Бобур, Амир Темур назарда тутилади.

90-чи йилларнинг бошида Марказий Осиё давлатларининг мустақилликка эришиши дунёнинг геосиёсий қиёфасини ўзгартирибгина қолмасдан, янада сермазмун ўзаро муносабатлар учун янги имкониятлар яратди, давом этади муаллиф. Вазирнинг таъкидлашича, мустақил давлатларнинг иқтисодни қайта тиклаш бўйича истиқболли дастурлари узоқни кўзлаган лойиҳаларни амалга ошириш, чет эл сармояларини

жалб этишга йўналтирилган.

Жасвант Сингх Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига тўхталиб, Марказий Осиёда бир неча марта бўлганини ва Ўзбекистонга сўнгги ташрифидан Ҳиндистон ва янги мустақил давлатлар халқлари тақдирини бир-бирлари билан узвий боғлиқлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилганини қайд этади. Янги мустақил давлатларнинг порлоқ келажагига Жасвант Сингхнинг ишончи комил. Марказий Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон икки томонлама иқтисодий

ҳамкорлик борасида Ҳиндистоннинг стратегик шеригина ақидапарастликка қарши ўрашда синалган дўстидир. Ёзу жиҳатдан ҳам китобда кўзрилган муаммолар биз ун ўта долзарб ҳисобланади. Ўйлайманки, мазкур китоб аҳонда тинчлик, осойиштақнинг қарор топиши, ўзаро ўстлик ва ҳамкорлик риштазининг мустаҳкамланиши ун хизмат қилади», деб яқлайди китобга ёзган сўзбошини Ҳиндистон ташқи ишар вазири.

«ЖАҲОН» А.

ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Мамлакатимизда сайловлар яқинлашгани сари сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишлари авж олмақда. Сайловлар арафасида яна бир ноҳукумат ташкилот — Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази тузилди.
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида ҳуқуқий тарбия соҳаси ишчи гуруҳининг фаолиятига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.
- Тошкентда Евроатлантика шериклик кенгашининг «Ўрта Осиёда минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик» халқаро конференцияси бўлиб ўтмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва НАТО ҳамкорлигида ўтказилаётди.
- Пойтахтимиздаги Киночилар уйида экология ва саломатлик кунларининг III босқич тадбирлари доирасида ўтаётган халқаро илмий-амалий конференция ниҳоясига етди. Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад рационал овқатланишнинг илмий асосларига, гигиена қоидаларига, экологик жиҳатдан соф озуқа қўшимчаларини яратишга эътиборни қаратишди.
- Олтиариқ пахтани қайта ишлаш акционерлик жамияти янги ҳосилдан 1500 тоннадан кўпроқ сифатли тола олди. Маҳсулотнинг дастлабки туркумлари Буюк Британия, Швеция, Россия ва Украинага жўнатилди.
- Айни кунларда республикаимиз далаларида пахта йиғим-терими билан бир қаторда шולי ўрими ҳам кизгин давом этмоқда. Бу йил мамлакатимизнинг 141 минг гектар майдонида мўл шולי ҳосили тўпланди.
- Анджон вилоятида яна бир туман — Олтинқўл тумани пахтакорлари йиллик пахта топшириш режасини бажардилар.

ЖАҲОНДА

- Қозоғистон Республикаси Чимкент шаҳридаги Абай номли истироҳат боғида ўзбек тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналари кун бўлиб ўтди.
- Тожикистон раҳбари Имомали Раҳмоновга биринчи рақамли Президентликка номзодлик гувоҳномаси топширилди. Ҳозирча у бу ўринга ягона даъвогар бўлиб турибди.
- «Тойота» корпорациясининг Япониядаги заводлари 100 миллионинчи автомобилни ишлаб чиқарди. Ушбу рақам «Тойота»нинг фақат мамлакат ичкарисидаги заводларига тегишлидир.
- БМТнинг Тараққиёт Дастури бразилиялик футболчи Роналдони Косоводаги тинчлик элчиси этиб тайинлади. У ўлкада инсонпарварлик фаолияти билан шуғулланувчи халқаро миссияга раҳбарлик қилади.
- Байрутдаги кардиология шифохонасида Сурия ташқи ишлар вазири Фаррух Шараанинг юрак операцияси муваффақиятли ўтди. Шифокорларнинг айтишича ҳозир суриялик вазирининг аҳоли анча яхши.
- Англия пойтахтининг Паддингтон темир йўл вокзалидан 4 километр узоқликда иккита тезюрак поезд тўкнашиб кетди. Дастлабки маълумотларга қараганда ҳалокат оқибатида бир неча киши ҳалок бўлган ва 200 дан зиёд йўловчи турли даражадаги тан жароҳати олган.
- Қарийб бир ҳафта давом этган отишмалардан кейин ниҳоят Филиппин ҳукумат кўшинлари ва исёнчилар ўт очишни тўхтатиш ва тинчлик бўйича музокара бошлашга келишиб олди. Филиппин мудофаа вазири шундай хабар тарқатди.
- Япониянинг «Мицубиси моторз» компанияси ёнилгини тежамли ишлатиш бўйича рекорд ўрнатди. Унинг ишлаб чиқарган янги «Пистатио» автомобили 1 литр бензин билан 30 километрга чад масофани босади.
- Кенияда юз берган автобус ҳалокати оқибатида саккиз нафар бошланғич мактаб ўқувчиси ҳалок бўлди. Полиция маҳкамаси берган маълумотларга қараганда кўприқдан ўтаётган автобус қандайдир сабабларга кўра дарёга кулаб тушган.
- Туркия апелляция суди қурд ишчи партияси етакчиси Абдулла Ужаланга нисбатан Анқара давлат хавфсизлиги суди томонидан чиқарилган олий жазо тўғрисидаги ҳукми қайта кўриб чиқишга киришди.
- Владикавказ шаҳрида армрестлинг бўйича XX жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Унда ер куррасининг 22 давлатидан энг кучли спортчилар иштирок этишди. Мусобақалар иккита — 60 килограммгача ва ундан оғир вазн тоифасида ўтказилди. Унда ўзбекистонлик Умиджон Аҳмедов иккинчи марта жаҳон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди.
- Шу кунларда Қирғизистон пойтахтида навбатдаги Марказий Осиё ўйинлари мусобақаси бўлиб ўтмоқда. Спортнинг икки тури бўйича ташкил қилинган ушбу беллашувда Ватанимизнинг 200 нафар спортчилари куч синашмоқда.

Маълумки, бу йилги сайловларда ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатиладиган мустақил номзодлар фаолияти, уларни қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор қаратиламоқда.

«Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий марказининг катта ўқув залида шахримиз маҳалларининг оқсоқоллари иштирокида бўлиб ўтган «Мустақил номзодлар ва сайлов кампанияси» мавзусидаги семинар ҳам худди ана шу масалаларга бағишланди.

Анжуманда сўзга чиққан Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази бошқаруви раиси, профессор Акмал Саидов йиғилганлар эътиборини сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари фаолиятининг бугунги кундаги ишлари мавзусига қаратди.

— Бу йилги сайловлар катта демократик жараён, биз учун муҳим имтиҳондир. Зеро, у халқаро ташкилотлар вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари олдида ўзимизни кўрсатадиган синовдир. Ташаббускор гуруҳлар фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикасининг сайловлар тўғрисидаги Қо-

нунларига киритилган янгилик ҳам халқ хоҳиш-иродасига мос келади. Ушбу янгилик халқ фаолигини янада оширишга хизмат қиляпти. Марказимизга депутатликка ўз номзодини кўрсатмоқчи бўлганлар, ташаббускор гу-

чиққан энг муносиб номзодлар кўрсатилиб сайланса, ўз фаолиятлари билан улар юрт нақига ҳисса қўша деймиз.

Ҳозирги кунгача республикаимизнинг 10 та вилоятида мазказ бўлимларини очиб, уларни

Сайловлар олдида

МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАР ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

руҳлар аъзолари сайловолди ташвиқотини олиб бориш юзасидан ва хорижий давлатлар ташкилотлари, ОАВ лари вакиллари каби уч гуруҳга мансуб кишилар саволлар билан мурожаат қилмоқдалар.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳаёт эҳтиёжи асосида юзага келган ноҳукумат ташкилоти бўлмиш марказимиз сиёсий ҳокимият учун курашмайди. Фақат айрим сиёсий партиялар бизнинг фаолиятимизни тўғри тушунмаётганлиги ҳолларининг гувоҳимиз. Биз асосан мустақил номзодлар олдида кўндалан бўлган масалалар, саволлар юзасидан ҳам амалий, ҳам ҳуқуқий ёрдам берамиз. Мақсадимиз халқ ичидан

керакли анжомлар, адабиётлар, хужжатлар билан жиҳозлаган катта эътибор қаратяпмиз.

Республика «Маҳалла» ҳария жағфармаси раиси Шухрат Жалилов, сайловолди кампаниясини ўтказишда ўзини ўзи бшқариш органларининг вазиялари тўғрисида батафсил таълиб, маҳалла оқсоқолларининг сайловлар олдида асосий эътибор бериши керак бўлган масалаларга йиғилганлар эътиборини қаратди.

Очик мулоқот тарзида ўтазилган семинар-кенгаш сўида оқсоқоллар ўзларини қизқтирган барча масалаларга тава атрофлича жавоб олдила.

Дилшод ИСРОИЛҒ.

Анжуманлар

«АЁЛ ВА СИЁСАТ»

Ўзбекистон Фидокорлар Миллий демократик партияси ташаббуси билан «Аёл ва сиёсат» мавзусида мамлакат хотин-қизлари анжумани бўлиб ўтди.

ФМДП таркибида Фидокор аёллар ҳаракати фаолият бошлади. Мазкур ҳаракат ўз олдида мамлакатимиздаги хотин-қизлар сиёсий онгини Ватан тараққиёти ва равнақи йўлида шакллантириш, уларни сиёсий жараёнга кенгроқ жалб этиш, бунёд бўлган тизим орқали ҳар бир оилага фидокорлик ва ватанпарварлик ғояларини олиб кириш, миллий мафкура ва миллий онг тушунчаларини кенг тарғиб этиш ва сингдиришда аёллар салоҳиятидан фойдаланиш, мамлакатда демократик тамойилларни эркинлаштириш ишига хотин-қизларни кенг жалб этишни мақсад қилиб қўйган.

Ушбу анжуман муносабати билан Фидокорлар миллий демократик партиясининг матбуот марказида ҳам «Аёл ва сиёсат» мавзусида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон ФМДП Бош қотиби Э. Норбўтаев мамлакатимиз фидойи аёлларининг жамиятдаги ўрни, соғлом авлодни камол топтиришдаги салоҳияти ҳақида гапириб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Гулором ҲАМИДОВА.

ҚИРГИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТ ХУСУСИДА

Ўтган кунни ўш вилоятининг Боткен, Чўн Олойза Қадамжой туманларида жиддий ўзгариш бўлмади.

Жангариларнинг асосий гуруҳлари Хўжа Очан қишлоғи яқинида тўпланган. Уларнинг истеҳкомари Хўжа Очаннинг жануби-ғарби ва жануби-шарқида, яъни Шудман, Арча Боши, Юқори Жили (уу ва Куйи Жили Сууда жойлашган).

Қирғизистон қўшинларининг бўлинмалари трикиби тўлдирилган, улар жойлашган ерларда ўзгрган вазият ҳисобга олиниб, жанговар ҳаракатлари амалга ошириш тактикаси пухталаштирилмоқда.

Зардоли қишлоғида Қирғизистон Республикаси ҳарбий бўлинмалари ўзлари эгаллаб турган жода истеҳкомларни мустаҳкамламоқда, шунингдек, ўт очиш тизимини ташкил этиш ва бошқа бўлинмаар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилишга доир тадбирларни амалга оширмоқда.

Маҳаллий аҳоли вакиллари хабар қилишича, Тожикистон Республикасининг чегарадош ҳудудидан Қирғизистонда қишлашга қолган террорчилар учун озиқ-овқат ва зарур анжомлар келтирилмоқда. Уларга ўзларини танитмаслик учун маҳаллий аҳоли орасида яширинишга кўрсатма берилган.

Қочқинлар Қадамжой туманидан доимий истиомат жойларига қайтиб келишди. Боткен туманида қочқинлар 3379 кишини ташкил этади.

Бизнинг ҳарбий хизматчиларимиз Ватанимиз югараларини хушёрлик билан кўриқлаб турибди. Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон билан давлат чегараси кучайтирилган тартибда кўриқланмоқда. Ўзбекистон Куролли Кучларининг бўлинмалари ўз касб маҳоратини ва жанговар тайёргарлигини оширишга доир режали тадбирлар билан шуғулланмоқда.

Насриддин МУҲАММАДИЁВ.
(3А)

МИЛЛИЙ ОДАТ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Қасам, қасамёд азалдан одамзотнинг ҳаётида муҳим роль ўйнаб келган. Қасамни онт ҳам деб тушунганлар. Қатъий ваъда деб билганлар. Сўз бердими, уни бажаришлик шарт қилиб қўйилган.

Қасамёд эса содиқлик, фидойилик ҳақида расмий равишда бериладиган тантанали ваъдadir. Шунинг учун қасамёд давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, ҳарбийлар ватан олдидаги бурчи сифатида уни тантанали қабул қиладилар. Ҳаттоки давлат бошлиқлари халқи, Ватани олдида қасамёд қабул қиладилар. Врачларнинг Гиппократ номи билан юритилган қасамёди ҳам бекорга пайдо бўлгани йўқ. Буларнинг ҳаммаси қасамёдни ҳаётийлигидан нишонadir. Қасамёдни одамзот бурчининг муҳрига ўхшатиш келади. Инсон бурчи эса асл одамийликни билдирадиган ҳолатдир, унинг асосий ўлчови ҳам ўша. «Бурчингни унутма, — деганди донолардан бири, — у бирдан бир дил навосидир. Бурчсиз ҳаёт ҳам, эҳтирос ҳам йўқ», деб таъкидласа иккинчиси, «Бурч! Сен авж пардадаги буюк сўзсан... Бу шундай буюкликки, чиндан ҳам инсонни ўзидан ҳам юксакликка кўтарувчи буюкликдир». Ҳа, бурч одамзотга берилган ноёб хислатлардан бири ҳисобланади. Виждон бурчининг ойнаси. Ана шу хислатларни асраб-авайловчи, қўриқловчи восита ҳам қасамдир.

Қасамёд одамзот бурчини адо этаётганда яққол намоен бўлади. Қасам, қасамёд кишини атрофга сезгирлик билан қарашга, масъулият сезишга ундайди, одамнинг жавобгарлигини орттиради.

«Авесто»да қасамга шунчалик катта эътибор берилганки, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Ҳатто, қасамнинг катта-кичиклигига эътибор бериб, уни бўлақларга бўлганлар. Илоҳий китобнинг гувоҳлигича ажодларимиз қасамни олтига бўлганлар, яъни сўз қасами, қўл қасами, қўй қасами, сигир қасами, одам қасами, экин қасамларидир. Демак, қасамнинг катта-кичиклигининг ўлчами бўлган. Бу ҳам ўта зийракликнинг меваси, зўр ақллиқдир. Бизлар қасам, қасамёд ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаймиз, ажодларимиз эса уни кўламига қараб, даражаларга бўлганлар, катта-кичикка ажратганлар.

«Кимда-ким, — дейилган «Авесто»да, — сўз қасамини ёлғиз сўзнинг ўзи деб тасаввур этса, уни қўл қасами тузатиши ва қўл қасамининг товонини тўлаши керак».

Бу жойда ҳам қандайдир сирлилик мавжуд, яъни сўз қасами бузилса, уни фақат сўзнинг ўзи билан ҳисоб-китоб қилиб бўлмас экан, балки ундан кейингисини ҳажми билан товон тўлашга тўғри келар экан. Мана, бу борада нима дейилган, эътибор беринг. Қасамёд, қаса-

ми маржондек тизилибди. Турмушдаги ўрни, мавқеи аниқланибди. Бу ҳам ажодларимизнинг зукколигидан, зийраклигидан далолатдир.

«Қўл қасамини, — дейилган илоҳий китобда, — қўй қасами билан тузатиши ва қўй қасамини товонини унинг ўрнига бериши керак.

Қўй қасамини сигир қасами билан тузатиши ва сигир қасамини унинг ўрнига бериши керак. Сигир қасамини одам қасами билан ўзгартириши ва унинг ўрнига одам қасамини товонини бериш керак.

Одам қасамини экин қасами ислоҳ қилиши ва экин қасамини унинг ўрнига бериши керак.

Қасамнинг ўлчами аниқ, равшан қилиб белгилаб қўйилибди. «Нима эксанг шуни ўрасан» нақлидагидек, жуда тўғри баҳо берилибди. Қасамни бузганлар кўриниб турибдики қаттиқ жазоланган. Айни вақтда қасамини бузганларга ниҳоятда паст назар билан қараганлар, уларни бебурд, нодон ҳисоблаганлар, ҳаттоки одам санаманлар, бунинг устига айбига лойиқ жазосини олган. Мана, эътибор беринг:

«Эй, дунёни яратган зот! — дейилган «Авесто»да, — эй, ҳақиқат! Кимда-ким сўз қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук? Ахура -Мазда жавоб берди: — Уч юз қамчинаспаҳ-ҳашатра

(гуноҳкорларни жазоловчи асбоб) билан, уч юз қамчин саравушу-чорана (гуноҳкорларни жазоловчи қурол) билан саваланади». Қўл қасамини бузганлар олти юз қамчин билан саваланган. Қўй қасамини бузганлар етти юз қамчин билан, сигир қасамини бузганлар саккиз юз қамчин билан, одам қасамини тўққиз юз қамчин билан ва ниҳоят экин қасамини бузганлар минг қамчин билан саваланган. Муносиб жазо энг зўр тарбиявий воситалардандир.

«Сув ва ёниб турган олов қошида, — дейилган «Авесто»да, — қасамни бузган одамнинг ёзуви авф этилмасдир. У иккинчи дафъа тавбага тутолмаган». «Авесто»да қасамни бузишлик гуноҳларнинг энг тубани, энг оғири ҳисобланган. «Дунёдаги жамийки дардлардан қаттиқроқдир. Бу азоб одамзот вужудини ўтмас анжомда кесиб бурдалашдан-да даҳшатлироқдир». Илоҳий китобнинг қайд этишича қасамни бузишлик шундай устоҳлик саналганки, «Бундай зотнинг топгуси жазоси бу Дунёнинг жамийки дарду озорларидан мудҳишдир».

Ҳа, «Авесто»да қасам ҳақидаги йўриқномаларнинг таъсирчанлиги ниҳоятда катта бўлиб, одамзотни сергаклантиради. Ўз виждони олдидаги жавобгарлигини оширади. Виждон тоза бўлса, инсон маънавий гўзаллашади. Ажодларимиз мероси авлодлари учун маънавий озуқа бўлиб қолаверади. Ана шуларнинг ичида «Авесто» ўзининг бебаҳолиги билан ажралиб туради.

Мусокул УСМОНОВ,
профессор.



Бичиш-тикиш ишига қадим-қадимдан хотин-қизлар меҳр қўйиб келишган. Хозирда ҳам у аёлларимиз учун кадрли касб ҳисобланади. Рустам Шарипов олган сурат.

Мозий

«АВЕСТО» ҚАСАМ ҲАҚИДА

Назм

СЎЗ БЎЛИБ ҚОЛДИМ

Эсламаган куним йўқ сени,
Исламаган туним йўқ сени,
Қизганмаган оним йўқ сени,
Жовдираган кўз бўлиб қолдим.

Жудо бўлиб орзу-ўйимдан,
Кут-барак кетиб ўйимдан,
Ғам-ташвишим ошиб бўйимдан,
Кун-тунимга сўз бўлиб қолдим.

Кўнглимдаги сўнги қарорим:
Ўнланади ишим, барорим.
Мени қўллар парвардигорим,
Энди сени худого солдим.

Дийдам хажру азобдан қотган,
Қасосга шай ғазабдан қотган,
Ёниқ дилга сўнликлик қотган,
Журъатимни фидого солдим.

Эсламаган куним йўқ сени,
Исламаган туним йўқ сени,
Овунтирар бир имкон мени,
Гурбатимни жудого солдим.

Сени қучгим келди шамолдай,
Кўргим келди кўкда ҳилолдай,
Пойинга бош қўйиб тош, лойдай,
Яна сенинг ҳажрингда толдим.

Дийдор тилаб тиланчи мисол,
Дилим қўйнаб ўланчи мисол,
Ҳузурингда гоҳ сўзон, гоҳ лол,
Вужудингга санчилик қолдим...

Умида АБДУАЗИМОВА.

Маънавият

ҚАРЗ САЛОМИНИ УНУТМАЙЛИК

Инсонни гўзал қиладиган, унинг ҳурматига ҳурмат, ҳуснига-хусн қўшади-ган нарса — бу унинг хулқидир. Халқимизда «Яхши ҳуснингни ёмон хулқинг бузади» деган доно мақол бор.

Ҳар куни эрталаб ишга кетаётганда ёнимиздаги йўлакда яшайдиган қўшнимизнинг қизи билан учрашиб қолам. Исми Саида. Бу йил олий ўқув юртига ўқишга кирди. Кўринишдан туппа-тузук. Лекин саломлашмай, сақич чайнаб индамай ўтиб кетади. Ҳар гал уни учратганимда негадир кайфиятим бузилади. Ахир қап-катта, бўйи етган қиз бўлса, ота-онаси ҳам баъмани одамларга ўхшайди.

Фақат мен билан саломлашмасмикан, деб ўйлаб юрардим.

Бир куни ишдан қайтаётганда борзордан ул-бул харид қилдим. Икки қўлимда оғир сумка. Аранг кўтариб уйимиз олдида яқинлашганимда орқадан кимдир келаётганини сездим. Қўшнимиздан бирортаси бўлса ёрдамлашиб юборар, деган ниятда тўхтаб, қайрилиб қарадим. Не кўз билан кўрайки, ўша Саида экан. У мени кўрмагандек кўзойнак тақиб олганча ёнимдан ўтиб кетди. Бундай беандиша қиздан жажлим чиқди. Худо асрасин шундай қизларни келин қилишдан, дейман ўз-ўзимга. Шу вақт бирдан ўн ёшли ўғлимнинг уч ўртоғи олдимга чопқиллаб келиб: «Ассалому алайкум, сумкангизни бизга беринг, кўтаришамиз» деб уларни қўлимдан олиб уйимизга олиб кетишди. Мен ҳайро-

ну лол қолдим. Шу жажжи болажонларнинг ақли етиб одоб билан дона-дона қилиб берган саломидан, ёрдамидан бошим кўкка етди. Наҳотки, шу ёш болажонларча ақл-идрок, тарбия бўлмас Саидада, деб ўйладим.

Уйимизга кириверишда икки бегона аёлга кўзим тушди. Улардан бири мен томон юриб кулимсираб: «Сиз шу домда турасизми? Саида деган қиз қайси қаватда яшайди. Совчиликка келаётган эдик. Боядан бери қидириб топа олмаёпмиз», — деди аёл шеригини ёнига имлаб.

Мен Саиданинг номини эшитиб, бирор ёмон хабар эшитгандек ўзимни йўқотиб қўйдим. Дарҳол ҳаяжонланибми, қайта-қайта «Саида, Саидами?.. Улар кейинги йўлакда, тўртинчи қаватда туришади», дедим. Совчилар мендан Саиданинг қандай қиз,

ота-онаси қанақа одамлар эканлигини сўраб, кетма-кет саволларга кўмиб ташлашди. Тўғриси, нима дейишни билолмай қотиб қолдим. Келиб-келиб менга учраганини бу совчиларнинг. Энди Саиданинг қайси фазилатию мактаса арзигулик қай бир хислатини, одобу ахлоқини сўзлай бу аёлларга.

— Ота-оналари жуда яхши одамлар... Тўғриси, биз яқинда кўчиб келганмиз, унчалик танимайман уларни, дедим хаёлимга келган баҳонадан хурсанд бўлиб, улар билан хайрлашиб уйга кириб кетдим.

Салом бериш ёки алик олиш инсоннинг бир фазилати. Шу биргина сўз сенинг кимлигингни кўрсатиб туради. Қолаверса, кишиларга бўлган ҳурматнинг ифодаси. Салом-аликда катта маъно бор. Саидага ўхшаш баъзи ёшлар бунинг маъносига тушуниб етмайдилар. Шу туфайли улар нафақат салом-алик, балки хушмуомалалик, озодалик, ибодат, ҳаё, латофат деган ноёб фазилатлардан ҳам маҳрумдирлар. Бундай қизлар атрофдагиларнинг назаридан қолиб, «одобсиз»,


«тарбия кўрмаган», «андишасиз», «беҳаё» деган хунук ном орттирадилар, обрўларини йўқотадилар.

Халқимизда салом бериш қадимдан катта ҳурмат маъносини билдиради. Қадимий эртак ва дostonларимизда ҳам саломнинг хосияти ажойиб ифодаланган. Девлар инсон билан тўқнаш келганда: «Саломинг бўлмаса, икки ямлаб, бир ютардим» дер экан.

Одоб-ахлоқ — бу ҳар кимнинг қиёфасини кўрсатадиган кўзгу. Айниқса, қиз боланинг хулқи, феъл-атвори, фазилати унинг бахтига таъсир этади. Шунинг учун азиз сингилжонлар, дўгоналар, қарз саломини унутмайлик, бир-биримизга иззат-ҳурматда, оқибатли бўлайлик. Негаки, келажак фарзандлар тарбияси бизнинг қўлимизда. Соғлом, баркамол фарзандларни ақл-идроқли, соғлом она тарбия қилади. Шундай экан, одобу ахлоқни, меҳр-муруватни, яхшилиқни қалбимизга жо қилиб, гўзал ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиб, шукроналар айтиб яшайлик.

Дилором ИКРОМОВА.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА



ДУШАНБА, 11

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлилнома».

8.40 Лирик тароналар.
9.10 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Довюрлар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.45 Кундузги сеанс. «Телевизорни ўчиришни унутманг». Бадий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.35 «Шоҳрух» клуби.
13.05 «Ўзбектелефильм» намоиш этади. «Кушлар». Премьера.
13.20 «Олтин дала». Ахборот-муслик кўрсатув.
14.10 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
14.30 «Жавҳар».
14.50 «Муслик ва замон».
15.20 «Оила». Тележурнал.
15.40 Жалолдин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Пурзиё маъво». Хужжатли видеофильм. 21-қисм.
16.00 «Маърифатнома».
16.30 «Ўғил бола гап». Бадий фильм.
18.10 «Бир қадам...»
18.30 «Сихат-саломатлик».
18.45 «Истеъдод». Муслик дастур.
19.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Марказий сайлов комиссиясида».
21.30 «Назм ва наво». Бобур лирикаси.
22.15 «Озод ва обод юрт».
22.35 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 88-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.55 «Маънавият» дастури.
00.35 «Туртинчи доирадаги бир кеча». Бадий фильм.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этади...
18.30 Миллионлар ўйини.
18.45 «Остонадаги орзулар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалда...
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 «Бир жуфт қўшиқ».
20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.20 «Менинг орзуим».
20.25, 20.55, 22.30 Ўзлонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Муслик лаҳзалар».
21.05 «Дунёга йўл».
21.20 «Мунис лаҳзалар».
21.35 «Очун».
21.55 «Ёшлар» телеканалда...
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури.
Футбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
00.45 Шарқ эстрадаси.
01.00 «Хайрли тун!»

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Ерилтош». Мультиплам.
18.20 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 27-28 сериялар.
19.45 «Табриклаймиз-кут-лаймиз!»
20.00 «Най». Телефильм.
20.15 Телефакт.
20.25, 21.00 Ўзлонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бурч ва масъулият».
21.45 «Спорт-тайм».

22.00 «Ургутлик кулол». Телефильм.
22.10 «Биз сизга бахт тилаймиз!»
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Д' Артаньян ва уч мушкетёр». 1-серия.
01.15 «Хайрли тун, шахрим!»

ЎЗТВ IV

РЖТ 6.30 - 8.00
14.00 - 15.05 Туркия телевидениеси
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.35 «Дурдаршан».
15.55 «Ҳазил кубоги-99». 1-қисм.
16.25 «Мультичархпалак».
16.40 «Бу ажиб дунё»
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси.
17.50 «Уорлднет» янгиликлари.
18.00 «Тап тортмаслар». Телесериал.
18.45 «Севги йўлида». Телесериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Махфий хужжатлар». Сериал.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изхори».
22.30 «Вести».
23.00 «ТВ-4» да «Немис тўлкини».
23.20 Кинематограф: «Оилавий муносабатлар». Бадий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 КАНАЛ

15.00 га қадар профиллактика.
15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «Телехамкор». «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Муслик дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Ҳақат хотин-қизлар учун!».
16.50 «Морена Клара». Сериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони.
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Муслик дастур.
18.40 «Олтин қафас». Сериал.
19.25 Спорт шарҳи
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Сериал.
24.00 Муслик-дам олиш дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 00.10 — Янгиликлар.
8.15 «Миллий балиқ ови хусусиятлари».
10.00 «Янгра, гармон!»
10.30 «Женни Голливудга борари». Сериал.
11.15 «Хайрли кун!»
11.50 «Муъжизалар майдони».
12.45 «Хотин қизлар билан содир бўлган воқеалар».
13.15 Мультисеанс.
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.20 «Бирон бир нарсани».
14.35 «Олдузли онлар».
15.05 «16 ёшгача ва ундан катталар...»
15.30 Сергей Шакуров ака-ука Вайнерларнинг «Минотаврга ташриф» детективиди. 1-серия.
17.15 «Шошилинч ёрдам».
17.45 «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
18.00 «Биз ва давр».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Махфий хужжатлар».
22.25 «Нигоҳ».
23.05 «Спорт ҳафталиги яқунлари».
23.20 Тунги детектив. «Майк Хаммер: Тугмача-қотиллар».

РАТ

5.30 Кўрсатувлар дастури.
5.35 — 8.20 «Хайрли тонг, Россия!»
7.15 «Навбатчи қисм».
8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 24.00 — «Вести».
8.20, 9.00, 11.50 — «Гомеопатия ва саломатлик».
8.30 «Спорт аренаси». Тележурнал.
9.10 «Ўли аёл». Телесериал (Бразилия).
10.00 «Сирларимизнинг ёзи». Телесериал.
11.00 «Кўзгу».
12.20 «Рус лотоси».
13.10 «Антонелла». Телесериал.
14.05 «Ёввойи фаришта». Телесериал.
15.00, 23.40 — «Дивандаги дўкон».
15.30 Мультифильмлар.
16.20 «Минора».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.30 «Венера кўзгусида». Телесериал премьераси.
19.25 «Оқ тўти» клуби.
20.45 Нина Русланова, Ирина Шмелева, Борис Невзоров ва Михаил Жигалов «Топиб, қуролсизлантирилсин» детективиди.
22.35 «Халқ билишни хоҳлайди». Публицистик ток-шоу.

22.50 Эркин кураш. Жаҳон чемпионати. Туркиядан олиб кўрсатилади.

ТВ-6

8.00, 14.05 — «Кундан-кунга».
9.40, 19.15, 23.45, 01.20 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 24.00 — «Олти янгилик».
10.10 «Кимки...»
10.25 «Сўроксиз».
11.00 «Обозреватель» тахлий кўрсатуви.
12.05 «Ҳафта мижозлари».
12.35 «Обоз».
13.25 «Спартак» — чемпион!
15.45, 16.05 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
16.30 «Оддий Мария». Сериал.
17.25 «Қиска курс».
17.45 «Сифат белгиси».
18.10 «Давр саёҳатчилари». Сериал.
18.40, 00.45 — «Диск-канал».
19.30 «Амба-ТВ». Ҳажвий шоу.
19.55 Премьера. «Молл Фландерснинг муваффақиятлари ва омадсизликлари». Сериал.
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.25 «Учрашув жойи» А. Шарпова билан.
21.40 «Детектив-шоу» М. Ганнапольский билан.
22.45 «ПСИ-фактор». Сериал.
00.15 «ЦитаДЕНЬ».
00.25 «Чайка-99».
01.35—02.05 «Ҳиссиётлар изхори». Сериал.

СЕШАНБА, 12

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Шарқ тароналари». Озарбайжон.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 88-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганимиз.
10.25 Кундузги сеанс. «Тўй айбод». Бадий фильм.
11.40 «Кўшиқ — маънавият кўзгуси».
12.05 «Марказий сайлов комиссиясида».
12.30 «Кўзги кемалар». Мультифильм.
«Умид» намоиш этади:
12.40 «Бешбармоқ». Тележурнал.
13.05 «Оталар сўзи — ақлининг кўзи» почтасидан.
14.10 «Шийпондаги учрашув».
14.55 «Ўзбектелефильм» намоиш этади. «Уйинчок».
15.10 «Яратил туйғуч».
15.40 Жалолдин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Хужжатли видеофильм. 22-қисм.
16.00 «Куйла, ёшлигим»
16.30 «Товламачи». Бадий фильм.
18.10 Болалар учун. «Санъат гўнагалари».
18.35 «Умр мазмуни».
18.55 «Олам ва одам».
19.05 «Қалқон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сайловлар ва биз». Бесовита мулоқот.
21.40 «Ихтиёр этмасмидим». Муслик дастур.
22.10 Муҳаммад Пирриев. «Тешик тоғора». Теленовелла.
22.30 «Ўзлинг намоеён қил». Экранда — Самарқанд вилояти.
23.05 «Жиловланмаган Африка». Телесериал премьераси.
24.00 «Ахборот».
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 88-қисм.
18.55 Муслик лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалда...
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 «Муслик лаҳзалар».
20.00 «Хамкорлик».
20.10 «Сарвиноз». Муслик дастур.
20.25, 20.55, 22.30 Ўзлонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Буюк юрт фарзандиман».
21.20 «Марду-майдон».
21.40 «Аждодлар хотираси».
«Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги олдидан.
21.55 «Ёшлар» телеканалда...
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури. Теннис.
00.15 «Янги тонг!»

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ерилтош». Мультиплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30

«Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 29-30 сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, кут-лаймиз!»
20.00 «Ёшлар худуди».
20.25, 21.00 Ўзлонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Чанг тароналари». Фильм-концерт.
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Сухбатдош».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 «Спорт оламида».
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 Кинонигоҳ. «Д' Артаньян ва уч мушкетёр». 2-серия.
01.40 «Хайрли тун, шахрим!»

ЎЗТВ IV

РЖТ 6.30 - 8.00
14.00 - 15.05 Туркия телевидениеси
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.35 «Бинафша».
15.55 «Ҳазил кубоги-99». 2-қисм.
16.25 «Мультичархпалак».
16.40 «Интернет худуди».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Уорлднет» янгиликлари.
18.00 «Сени излайман».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Тап тортмаслар». Телесериал.
21.35 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Дил изхори».
21.45 «Спорт-клуб».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Севимли Раджа». Бадий фильм.
01.10 «Ахборот» (рус тилида).
01.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Муслик тонг». Муслик-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 19.50, 00.30 — «Телехамкор» «Метеохабар».
10.30 Муслик дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Бошга тушган ташвиш». Сериал.
14.00 Тушки киносеанс.
15.30 Муслик дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Ҳақат хотин-қизлар учун!».
16.50 «Морена Клара». Сериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони.
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Муслик дастур.
18.40 «Олтин қафас». Сериал.
19.25 «Висол». Муслик дастур.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Сериал.
24.00 Муслик дастур.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.15 — Янгиликлар.
8.15, 18.45 — «Севги йўлида». Сериал.
9.15 «Шошилинч ёрдам». Сериал.
9.40 Бу қандай содир бўлган эди? «Бриллиант иши. 1981 йил».
10.20 «Женни Голливудга борари». Сериал.
10.45 «Лаззатли воқеалар».
11.15 «Хайрли кун!»
12.15 Екатерина Васильева, Валентин Гафт Михаил Козакнинг «Хонимнинг ташрифи» фильмида. 1-серия.
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.20 Мультисеанс.
14.30 «Хамма нарса бўлиши мумкин».
14.45 «Тоғ шоҳи».
15.15 «16 ёшгача ва ундан катталар...»
15.45 «Минотаврга ташриф». 2-серия.
17.15 «Жентльмен-шоу».
17.45 «Шу ерда ва ҳозир».
18.00 «Сени излайман».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 Александр Кайдановский ва Александр Абдулов «Унта негр боласи» фильмида.

РАТ

5.30 Кўрсатувлар дастури.
5.35 — 8.20 «Хайрли тонг, Россия!»
7.15, 22.50 — «Навбатчи қисм».
8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 24.00 — «Вести».
8.20, 9.00, 11.50 — «Гомеопатия ва саломатлик».
8.30 «Спорт аренаси». Тележурнал.

9.10 «Ўли аёл». Телесериал.
10.00 «Сирларимизнинг ёзи». Телесериал.
11.00 «Иш кўрилмоқда». Маслаҳатчиларнинг телевизион суд мажлиси.
12.20 «Икки рояль».
13.10 «Антонелла». Телесериал.
14.05 «Ёввойи фаришта». Телесериал.
15.00, 01.20 — «Дивандаги дўкон».
15.30 Мультифильмлар.
16.20 «Минора».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.30 «Венера кўзгусида». Телесериал премьераси.
19.25 «Фонтан-клуб». Ҳажвий дастур.
20.45 Чарли Шин, Линда Фиорентино ва Майкл Мэтсон «Шарпани қувиб» криминал драматика (АҚШ).
21.00 «Халқ билишни хоҳлайди». Публицистик ток-шоу.
23.05 «К-2» студияси коллекциясидан. Иван Диховичний дастури.
00.40 «Автошоу». Тележурнал.

ТВ-6

8.00, 14.05 — «Кундан-кунга».
8.45, 19.15, 23.45, 01.45 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 — «Олти янгилик».
10.10 «Чайка-99».
10.25 «Мазаси оғзингда қолади» кўрсатуви.
11.00, 20.00 — «Молл Фландерснинг муваффақиятлари ва омадсизликлари». Сериал.
12.05 ТВ-6 кинотеатри. «Қоҳира ёқути».
16.05, 17.40 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
16.15 «Лилиана: яхшилик гайрат-шижоати» теледўкони.
16.30 «Оддий Мария». Сериал.
17.25 «Қиска курс».
18.10 «Давр саёҳатчилари». Сериал.
18.40, 01.05 — «Диск-канал».
19.30, 00.25 — «Оловдаги Грейс V». Ҳажвий сериал.
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.25 «Учрашув жойи» А. Шарпова билан.
21.45 «СВ-шоу». «Эммануил Виторган».
Сериал.
24.00 «Шу куннинг олти янгилиги».
00.15 «ЦитаДЕНЬ».
00.50 «Кимки...».
01.55-02.30 «Ҳиссиётлар изхори». Сериал.

ЧОРШАНБА, 13

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Ёр ва диёр тароналари».
9.15 «Устоз».
9.35 «Довюрлар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва тақлиф».
«Умид» намоиш этади:
10.30 «Шоирлар — болаларга».
10.55 «Умид учқунлари». Тележурнал.
11.10 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
12.05 «Юртин жамоли».
12.25 «Остонаси тиллодан».
Адабий кўрсатув.
13.00 «Севги сурури». Муслик дастур.
13.35 «Болаларга бахшида умр».

14.10 «Энг оддий ҳикоя...»
14.30 «Ўзбектелефильм» намоиш этади: «Мумтоз наволар». Премьера.
15.15 «Экология ва ҳаёт».
15.35 Ватан тимсоллари.
15.40 Жалолдин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Пурзиё маъво». Хужжатли видеофильм. 23-қисм.
16.00 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
16.15 «Саҳна ҳаёти».
16.40 Болалар учун. «Сени Ватан кутади!»
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Сугдиёна». «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида - Янгиликлар.
18.50 «Фермер».
19.05 «Сайловчи минбари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Кўшиқла ҳаёт гўзал». Муслик дастур.
«Умид» намоиш этади:
22.00 «Баркамол авлод орзуси».

22.25 «Буюк келажак ёлар қўлида».
23.00 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 89-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.20 Экранда — кинокомедия. «Кўпик».
01.40-01.45 Ватан тимсолари.

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этади...
18.40 «Далил ва шарҳ».
18.55 «Муслик лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалда...
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 «Дил рози». Муслик дастур.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.30 Ўзлонлар.
20.35 «Рақслар қанотида»
20.55 «Танишинг: Гўзал Амедова».
21.10 «Эркин фикр».
21.25 «Муслик лаҳзалар».
21.30 «Ракурс».
21.50 «Каталог».
21.55 «Ёшлар» телеканалда...
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси» Телесериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури. Интерфутбол.
00.45 «Хит-коллекция»
01.05 «Хайрли тун!»

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Сова».
18.30, 21.30, 22.30, 2.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 31-32 сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, ут-лаймиз!»
20.00 «Хусусийлаштириш: қаддам бақаддам».
20.20 «Мусохаба».
20.25, 21.00 Ўзлонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сайлов ва ҳаёт».
21.20 «Муслик дақиқалар».
21.45 «Уруш ва тинчлик».
22.05 «Маргилон изғиси». Телесериал.
22.15 «Аждодлар заҳинсидан».
22.25 «Куз ҳаёллари».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Д' Артаньян ва уч мушкетёр». 3-серия.
01.05 «Хайрли тун, шахрим!»

ЎЗТВ IV

РЖТ 6.30 - 8.00
14.00 - 15.05 Туркия телевидениеси
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Болалар олами».
15.55 «Ҳазил кубоги-99». 3-қисм.
16.25 «Музик-холл».
16.40 «Мультичархпалак».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Уорлднет» янгиликлари.
18.00 «Инсон ва қонун».
18.45 «Севги йўлида». Телесериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Тап тортмаслар». Телесериал.
21.35 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Дил изхори».
21.45 «Океан ортига саёт. Япония».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Кўрқув чағалида». Бадий фильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида).
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Муслик тонг». Муслик-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 19.00, 00.30 — «Телехамкор». «Метеоха

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

(Давоми. Боши 4-бетда).

24.00 «Шоу бизнес империяси». Мусиқий-дам олиш дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.05 — Янгилликлар.
8.15, 18.45 — «Севги йўлида». Сериал.
9.15 «Жентльмен-шоу».
9.40 «Сени излайман».
10.25 «Женни Голливудга боради». Сериал.
10.50 «Хонаки кутубхона».
11.15 «Хайрли кун!».
11.45 «Хонимнинг ташрифи». 2-серия.
13.00 Евгений Петросяннинг «Кулги панорамаси».
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.15 «Қойилмақом давра».
15.35 «Чангалзорлар даъвати».
15.00 «16 ёшгача ва ундан катталар».
15.30 «Минотаврга ташриф». 3-серия.
17.15 «Маски-шоу».
17.45 «Шу ерда ва ҳозир».
18.00 «Инсон ва қонун».
19.45 Хайрли тун, кичкин-тойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Полициячилар оиласи-II» жангари фильмида Чарльз Бронсон Володя Петровга қарши.
22.35 «Цивилизация» дастури.

РАТ

5.30 Кўрсатувлар дастури.
5.35 — 8.20 «Хайрли тонг, Россия!».
7.15, 22.45 — «Навбатчи қисм».
8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 24.00 — «Вести».
8.20, 9.00, 11.50 — «Гомеопатия ва саломатлик».
8.30 «Спорт аренаси». Тележурнал.
9.10 «Лўли аёл». Телесериал.
10.00 «Сирларимизнинг ёзи». Телесериал.
11.00 «Менинг оилам».
12.20 «Икки рояль».
13.10 «Антонелла». Телесериал.
14.05 «Ёввойи фаришта». Телесериал.
15.00, 23.40 — «Дивандаги дўкон».
15.30 Мультфильмлар.
16.20 «Минора».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.30 «Венера кўзгусида». Телесериал премьераси.
19.25 «Ўз-ўзига режиссер».
20.45 «Мусиқали ринг-янги авлод».
22.30 «Халқ билишни хоҳлайди». Публицистик ток-шоу.
23.00 «Кино+ТВ». Тележурнал.

ТВ-6

8.00, 14.05 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.15, 23.45, 01.45 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 — «Олти янгиллик».
10.10, 00.50 — «Кимки...».
10.25 «Бис». Ҳажвий кўрсатув.
11.00, 19.55 — «Молл Фландерснинг муваффақиятлари ва омадсизликлари». Сериал.
12.05 ТВ-6 кинотеатри. Ш.Фенн «Сирпаниш» жангари фильмида.
13.40, 16.05 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
16.30 «Оддий Мария». Сериал.
17.25 «Қиска курс».
17.45 «Сифат белгиси».
18.10 «Давр саёҳатчилари». Сериал.
18.40, 01.05 — «Диск-канал».
19.25, 00.25 — «Оловдаги Грейс V». Ҳажвий сериал.
21.00 Шу куннинг янгилликлари.
21.25 «Учрашув жойи» А.Шарапова билан.
21.40 «Мен ўзим» ток-шоуси.
22.40 «Аёллар оламида». Сериал.
24.00 «Шу куннинг олти янгиллиги».
00.15 «ЦитаДЕНЬ».
01.55—02.35 «Ҳиссиётлар изҳори». Сериал.

ПАЙШАНБА, 14
ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Рақслар гулдастаси».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 89-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Япон тили».
10.30 Кундузги сеанс. «Ҳаёт учун хавфли». Бадий фильм.
12.05 «Сайловчи минбари».
12.25 Болалар учун. «Доно бо-бо даврасида».
12.50 «Келажақ уфқлари».
13.10 «Ажаб саодат эрур...»

Бадий-публицистик кўрсатув.
13.30 «Бу олам сахнида». М.Салимов.
14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.35 «Меҳригиё».
14.55 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
15.25 «Олимпиадачилар ора-мизда». Спорт дастури.
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Пурзиё маъво». Хужжатли видеофильм. 24-қисм.
16.00 «Сайқал».
16.20 «Москва кўз ёшларига ишонмайди». Бадий фильм. 1-серия.
17.30 Ватан тимсоллари.
17.35 «Шеър ва шуур».
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Кўзгу».
18.25 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
18.40 «Таянч нуқтаси».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига. «Алпомиш изидан». Видеофильм премьераси. 1-қисм.
22.00 «Шифокор маслаҳати».
22.10 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
22.45 «Сомон йўли».
23.15 «Ахборот».
23.45 «Аблаҳ». Бадий фильм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 89-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалда...
19.35 «Давр» - интервью».
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 «Мезон».
20.20 «Истиқлолни куйлайман».
20.25, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Мусиқий лаҳзалар».
21.05 «Ўтган кунлар».
21.30 «Қалбим ардоғи». Мусиқий лаҳзалар.
21.40 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
21.55 «Ёшлар» телеканалда...
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: («Интерфутбол», «Спорт қитъаси»)
01.15 «Хайрли тун!»

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Мусиқий лаҳзалар».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 33-34 сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, кутлаймиз!»
20.00 «Ханда дўкони».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Якши кайфият».
21.45 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.00 «Сарафроз». Мусиқий кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Катта таланти».
01.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎЗТВ IV

РЖТ 6.30 - 8.00
14.00 - 15.05 Туркия телевидениеси
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгилликлари» (инглиз тилида).
15.35 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
15.55 «Миср сирлари». Хужжатли фильм.
16.25 «Мультчархпалак».
16.40 «Бу ажиб дунё».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Уорлднет» янгилликлари.
18.00 «Икки рояль».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкин-тойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Тап тортмаслар». Телесериал.
21.35 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Дил изҳори».
21.45 СНН-шоу.

22.00 «Вести».
22.30 «Кино сайёраси».
22.45 Кинематограф. «Жонгинам». Бадий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида).
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий дам олиш дастури.
9.30 «Таниш чехралар». Мусиқий-дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 19.50, 00.30 — «Телехамкор». «Ме-теохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Бошга тушган ташвиш». Сериал.
14.00 Тушки киносеанс.
15.30 «Объективда—ҳайвонлар». Хужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Морена Клара». Сериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Сериал.
19.25 «Висол». Мусиқий дастур.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Сериал.
24.00 «Дўстлар даврасида». Мусиқий-дам олиш дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.00 — Янгилликлар.
8.15, 18.45 — «Севги йўлида». Сериал.
9.15 «Маски-шоу».
9.40 «Инсон ва қонун».
10.20 «Женни Голливудга боради». Сериал.
10.50 «Хонаки кутубхона».
11.15 «Хайрли кун!».
11.45 Константин Райкин ва Марина Неелова Михаил Козаковнинг «Соя ёки Эҳтимол барчаси ўтиб кетар» фильмида.
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.15 Мультсеанс.
14.25 «Сезам кўчаси».
14.55 «Етти фалокат — жавоб битта».
15.10 «16 ёшгача ва ундан катталар».
15.40 «Минотаврга ташриф». 4-серия.
17.15 «Каламбур».
17.45 «Шу ерда ва ҳозир».
18.00 «Жараён».
19.45 Хайрли тун, кичкин-тойлар!
20.00 «Время».
20.50 Бўйдоқлар учун комедия.
22.40 «Осойишта уй»нинг кузги гардероби. Сергей Шолохов дастури.

РАТ

5.30 Кўрсатувлар дастури.
5.35 — 8.20 «Хайрли тонг, Россия!».
7.15, 22.45 — «Навбатчи қисм».
8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 24.00 — «Вести».
8.20, 9.00, 11.50 — «Гомеопатия ва саломатлик».
8.30 «Спорт аренаси». Тележурнал.
9.10 «Лўли аёл». Телесериал.
9.15 «Сирларимизнинг ёзи». Телесериал.
11.00 «Урмас Отт Филипп Киркоров билан».
12.20 «Икки рояль».
13.05 «Антонелла». Телесериал.
14.05 «Ёввойи фаришта». Телесериал.
15.00, 23.40 — «Дивандаги дўкон».
16.20 «Минора».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.30 «Венера кўзгусида». Телесериал премьераси.
19.25 «Оқ тўти» клуби.
20.45 Тимоти Хаттон «Тунги қотил» триллеридида.
22.30 «Танлов». Марказий сайлов комиссиясининг кундалиги.
23.00 «Мода + ТВ». Тележурнал.
00.40 «Қизикқон ўнлик».

ТВ-6

8.00, 14.05 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.15, 23.45, 02.15 — «Йўл назорати».

18.00 — «Олти янгиллик».
10.10, 01.20 — «Кимки...».
10.25 «Сиз-шоҳидсиз».
11.00, 20.00 — «Молл Фландерснинг муваффақиятлари ва омадсизликлари». Сериал.
12.05 «Пси-фактор». Сериал.
12.55 «Тоғлик. Ўлмас қарға». Сериал.
13.50, 16.05, 17.35 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
16.30 «Оддий Мария». Сериал.
17.25 «Қиска курс».
18.10 «Давр саёҳатчилари». Сериал.
18.40, 01.35 — «Диск-канал».
19.30 «Оловдаги Грейс V». Ҳажвий сериал.
21.00 Шу куннинг янгилликлари.
21.25 «Учрашув жойи» А.Шарапова билан.
21.45 «ОСП-студия».
22.45 «Биринчи тўлқин». Сериал.
24.00 «Шу куннинг олти янгиллиги».
00.15 «ЦитаДЕНЬ».
00.25 Metropolitan Top Model 99.

ЖУМА, 15

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа билан сирлашиб». Мусиқий дастур.
9.15 «Инсон — ҳаёт гултожи».
9.35 «Довюралар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 Кундузги сеанс. «Муқаддима». Бадий фильм.
12.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
«Умид» намоиш этади:
12.40 «Очиқ дарс».
13.00 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
13.20 «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига. «Алпомиш изидан». Видеофильм. 1-қисм.
13.40 Ўзбек куйларидан концерт.
14.10 «Сомон йўли».
14.40 «Озод юрт одамлари».
15.00 «Теран томирлар».
15.20 «Шарқ куйлари».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Пурзиё маъво». Хужжатли видеофильм. 25-қисм.
16.00 «Кодекс».
16.20 «Москва кўз ёшларига ишонмайди». Бадий фильм. 2-серия.
17.40 «Ифтихор».
18.10 Болалар учун. «Юлдузча шоу».
19.00 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сайловлар ва биз».
21.35 «Кўнгул тароналари». Мусиқий дастур.
21.55 «Маърифатнома».
22.20 «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига. «Алпомиш изидан». Видеофильм премьераси. 2-қисм.
22.40 Андижон одимлари.
23.00 «Жилволанмаган Африка». Телесериал премьераси.
23.50 «Ахборот».
00.20 «Худа-беҳуда гаплар». Бадий фильм.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этади...
18.40 «Ёшлар ва маънавият».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалда...
19.35 «Давр» - интервью».
19.50 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Аср қиёфаси».
20.15 «Автосалтанат».
20.25, 20.55, 23.20 Эълонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Мусиқий лаҳзалар».
21.05 «Азизим».
21.45 «Жаҳолат бекати».
21.55 «Ёшлар» телеканалда...

ри.
22.30 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури. «Ринг қироллари».
23.25 Синема. «Кундузги чирок».
01.00 «Жаҳон эстрадаси».
01.15 «Мунаввар тонг истаб».

ЎЗТВ III

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.10 «Кўнгул тароналари».
9.30 Болажонлар экрани. «Пеппи — узун пайпоқ». 2-серия.
10.35 «Спорт оламида».
10.50 «Яна бир учрашув».
11.20 «Ёввойи табиат».
12.10 Ёқимли оҳанглар.
12.30 Кинонигоҳ. «Катта таланти».
13.45-14.00 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Мингбулоқ мамлақати». Манзарали фильм.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 35-36 сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, кутлаймиз!»
20.00 «Кулишни унутманг».
20.15 Катталар учун эртақ.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Рақслар жилоси».
21.45 «Маслаҳат, даволаш, саломатлик». Бевосита мулоқот.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Камёб» (Болгария)
01.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎЗТВ IV

РЖТ 6.30 - 8.00
14.00 - 15.05 Туркия телевидениеси
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгилликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Тенгдошлар».
16.00 «Спорт-клуб».
16.15 СНН-шоу.
16.30 «Мультчархпалак».
16.45 «Океан ортига саёҳат. Япония».
17.00 «Монте-Карлони эслаб...».
18.00 Хужжатли детектив.
18.30 «Шириш воқеалар».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкин-тойлар!
20.00 Время.
20.55 «Тап тортмаслар». Телесериал.
21.40 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 «Дил изҳори».
22.35 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.40 Кинематограф: Чак Норрис «Жанг майдонидан қайтмаганлар» фильмида.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 19.50, 00.40 — «Телехамкор», «Ме-теохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Бошга тушган ташвиш». Сериал.
14.00 Тушки киносеанс.
15.30 «Висол». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!» Тележурнал.
16.50 «Морена Клара». Сериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Сериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Сериал.
24.00 «Бедорлик».

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 22.20

— Янгилликлар.
8.15 «Севги йўлида». Сериал.
9.15 «Каламбур».
9.40 «Жараён».
10.20 «Женни Голливудга боради». Сериал.
10.50 «Хонаки кутубхона».
11.15 «Хайрли кун!».
11.50 Олег Борисов, Евгений Весник «Ёлғиз оёқ йўл» комедиясида.
13.00 «Сихат-саломатлик».
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.15 «Мўъжизалар мамлақати». «Фаройиб саргузашт» фильмидаги ўчумли мушкетёр.
15.40 «Минотаврга ташриф».
5-яқунловчи серия.
17.15 «Аралаш-қуралаш» журналидаги кувноқ воқеалар.
17.30 «Шу ерда ва ҳозир». «Сайловлар».
18.00 Хужжатли детектив. 1997 йил.
18.30 «Лаззатли воқеалар».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкин-тойлар!
20.00 «Время».
20.55 Буюк изкуварлар. Полковник Зорин «Авлиё Луканинг қайтиши» детективидида.
22.40 «Эҳ, Семёновна!» Бунтуроссия лапарлар кўриги.
23.40 Тунги кинозал. «Сфинкс» саргузашт фильмидаги фиръавнлар хазинаси.

РАТ

5.30 Кўрсатувлар дастури.
5.35 — 8.20 «Хайрли тонг, Россия!»
7.15, 23.35 — «Навбатчи қисм».
8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 24.00 — «Вести».
8.20, 9.00, 11.50 — «Гомеопатия ва саломатлик».
8.30 «Балиқ ови ҳақида мулоқотлар».
9.10 «Лўли аёл». Телесериал.
10.00 «Сирларимизнинг ёзи». Телесериал.
11.00 «Саломатликка». Ток-шоу.
12.20 «Икки рояль».
13.10 «Антонелла». Телесериал.
14.05 «Ёввойи фаришта». Телесериал.
15.00, 00.40 — «Дивандаги дўкон».
15.30 Мультфильмлар.
16.20 «Минора».
16.55 «Иш кўрилмоқда». Маслаҳатчиларнинг телевиди суд мажлиси.
18.30 Агата Кристи. Пуаро. «Юзига тўр ташлаган аёл».
19.25 «Шаҳарча».
20.45 Людмила Максакова ва Александр Балув Юрий Гримовнинг «Му-му» фильмида.
22.40 «Лос-Анжелесда жазирама». Полиция сериали (АҚШ).

ТВ-6

8.00, 14.05 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.05, 23.45, 01.40 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 — «Олти янгиллик».
10.10, 01.20 — «Кимки...».
10.25 «Star start».
11.00 «Молл Фландерснинг муваффақиятлари ва омадсизликлари». Сериал.
12.05 «Аёллар оламида». Сериал.
13.00 «Биринчи тўлқин». Сериал.
16.05 «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
16.30 «Оддий Мария». Сериал.
17.25 «Қиска курс».
17.45 «Сифат белгиси».
18.10 «Давр саёҳатчилари». Сериал.
18.40 «Диск-канал».
19.25, 02.55 — «Оловдаги Грейс V». Ҳажвий сериал.
19.55 «Бенни Хил шоуси».
21.00 Шу куннинг янгилликлари.
21.25 «Учрашув жойи» А.Шарапова билан.
21.45 ТВ-6 кинотеатри. Рутгер Хауэр «Портлаш» жангари фильмида.
24.00 «Шу куннинг олти янгиллиги».
00.15 «ЦитаДЕНЬ».
00.25 «Обоз».
01.50 «Радиоҳит».

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ФИЛЬМЛАРИ ХАФТАЛИГИ

Кинофильмлар	11-12 х	13-14 х	15-16 х	17-18 х	19-20 х
КИЧКИНА ТАБИБ	МУҚИМИЙ	БАТАН	ҚОЗОФИСТОН	ЛИСУНОВ тел.: 96-45-50	ЛИСУНОВ
ВОИЗ	ҚОЗОФИСТОН тел.: 35-15-42	МУҚИМИЙ		БАТАН	НУКУС
СЕВГИ		ЛИСУНОВ	НУКУС	МУҚИМИЙ	ГАГАРИН
ЁЛГИЗ ЁДГОРИМ	ЛИСУНОВ	НУКУС	МУҚИМИЙ	ГАГАРИН	БАТАН
ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР	БАТАН тел.: 72-97-67	ГАГАРИН	ЛИСУНОВ	НУКУС	ҚОЗОФИСТОН
ТИЛСИМОЙ	ГАГАРИН тел.: 77-93-03		БАТАН	ҚОЗОФИСТОН	
ЎТГАН КУНЛАР	НУКУС тел.: 46-46-55	ҚОЗОФИСТОН	ГАГАРИН		МУҚИМИЙ

ТОҚ СОАТЛАРДА БОШЛАНАДИ

Шахсий хонадонларда яшайдиган ва ёниш маҳсулотлари дудбуронлар орқали чиқиб кетадиган

АСБОБЛАРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошгаз» бошқармаси 1999—2000 йиллар иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилиши муносабати билан режалаштирилган ҳолда печкаси мўри тозаловчилар томонидан газ асбобларидаги шабадалатиш каналлари ва мўрконлари оммавий равишда туманлар бўйича текширувдан ўтказишларини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Тошкент шаҳар Кўнгилли ўт ўчириш жамияти:

— Миробод, Шайхонтоҳур, М. Улуғбек, Чилонзор.

Т-Нуробод кичик корхонаси:

— Ҳамза, С. Раҳимов, Яккасарой, Бектемир.

Олимжон жамоа корхонаси:

— А. Икромов, Юнусобод, Сирғали.

Мўрконларни, шабадалатиш каналларини текшириш, эҳтиёт чораларини кўриш, таъмирлаш билан шуғулланадиган ходимлар ўзлари билан шахсий гувоҳномаларни олиб юришлари шарт. Муддати ўтиб кетган гувоҳномалар бекор ҳисобланади.

• Мўрконларнинг ишга яроқлилиги тўғрисидаги далолатномалар ўз вақтида тумангаз идораларига топширилмаса газ асбоблари тумангаздан фойдаланиш хизмати ходимлари томонидан огоҳлантиришсиз узиб қўйилади.

«Тошгаз» бошқармаси.

ИШГА МАРҲАМАТ!

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси қошидаги ОТАЖ «Тоғ-геология жаллама экспедицияси» доимий ишга таклиф қилади:

- Геологлар
- Техник геологлар
- Тоғ муҳандислари

Ишга олинганлар Республикамиз доираси ичида дала ишларини бажариш учун жалб илинадилар.



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Яккасарой тумани,
Сукрот кўчаси, 13-уй,
311-хона. Тэл.
50-02-95.

Обуна - 2000

МУХТАРАМ ДЎСТЛАР!
«Тошкент ҳафтаноми»
Сизнинг газетангиз

УНГА 2000 ЙИЛ УЧУН

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА



- ✓ пойтахт ҳаётининг ҳафталик солномаси
- ✓ маиший хизмат, театр ва концерт заллари, турли касб-хунар лицейлари, ўқув юртларига "компас"
- ✓ азиз ва қадрдон кишиларингизга эг қувончли кунларида қутлов, эзгу пиллақларингизни етказувчи беминнат дастёр
- ✓ иш қидирганларга иш тавсия этадиган, рўзғорда, олд-сотдида ҳолис маслаҳатчингиз
- ✓ телетомошабинлар учун доимий замроҳ дам олиш вақтларингизда зериктирмайдиган мазмунли суҳбатдош.

Обуна республикамизнинг барча алоқа бўлимларида, матбуот тарқатиш муассасаларида қабул қилинмоқда.

Нашр индекси: Яққа тартибдаги обуначилар учун - 214
Ташкilotлар учун - 215.

Обуначилар учун махсус имтиёзлар белгилаган. Сиз 2000 йилга обуна бўлган қўнанингизни бизга тақдим этиб, хусусий эълонингиз ёки оила аъзоларингиз, дўстингизни тугмаган кўни, юбилейи билан беула табриклаш имкониятига эга бўласиз.

Обуна бўлган фирма ва ташкilotларнинг 25 кв. см. ҳажмдаги реклама, эълонлари текши чоп этилади.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қимматли қоғозлар ва биржа иши ассистент (1), Ўзбекистон тарихи ва демократик жамият қуриши асослари катта ўқитувчи (1), Чет тиллари катта ўқитувчи (1), Маънавият ва фалсафа ассистент (1), Математика катта ўқитувчи (1), Микроиқтисодиёт доцент вазифасини бажарувчи (1), ассистент (1), Умумиқтисодий назария катта ўқитувчи (1), География катта ўқитувчи (1), Молиявий таҳлил катта ўқитувчи (1) Бухгалтерия ҳисоби ва аудит катта ўқитувчи (1), ассистент (2), лавозимларига танлов эълон қилади.

Танловда фан номзодлари, доцентлар ва юқори малакали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳар, Ҳ.Асомов кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Тел. 34-66-58

РЕКТОРАТ

«Ўзбекдавцирк» республика бирлашмаси
Тошкенбой Эгамбердиев номи
Тошкент давлат цирки

24 сентябрдан бошлаб
1999 — 2000 йилги мавсум томошалари

ЎРГАТИЛГАН ХАЙВОНЛАР ИШТИРОКИДА
ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ ҲАР ХИЛ
ЖАНРДАГИ ДАСТУР

Цирк ҳафтасига уч кун — жума, шанба ва якшанба кунлари ишлайди.

Томошалар: жума кунлари — соат 18.00,

шанба кунлари — соат 11.00,
15.00, 18.00,
якшанба кунлари — соат 12.00
ва 15.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб келиш учун тлабномалар қабул қилинади.

Билетлар цирк кассалари ва туманларидаги кассаларда сотилади. Ҳақ турли шаклда тўлагиши мумкин.

Касса эрталаб соат 9 дан «чиқ. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-11-11.

ДИККАТ!

2000 ЙИЛГА ОБУНА

Фуқаро, ташкilot, идора ва муассасалар эътиборига!

«Тошкент почтамати» акционерлик жамияти 1999 йил 25 сентябрдан бшлаб республикамиз ва Ҳамдўстлик мамлакатлари 2000 йил даврий нашрларига 60 та алоқа бўлими ва махсус обуна масканларида обуна қабулини бошлайди.

Тўлиқ маълумотлар:

133-73-56, 133-42-02 телефонларида берилади.

• Оздириш, семиртириш мумкин. Тел: 79-17-95

• Ишга таклиф қиламиз. Тел: 98-06-58.

46-кечки мактаб томонидан 1996 йил Нария Керимова номига берилган № 057842 рақамли гувоҳнома йўқол-

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Санитария-эпидемиология бош бошқармаси жамоаси

Турсун МИРТОЖИЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғ ҳамда яқин кишиларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Масъулияти чекланган «Комрон Мирзо» жамияти жамият директори Ғофир Собировга волидаи муҳтарамлари Тожиҳон ая ЭГАМБЕРДИЕВНИНГ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-78-95. Факс: (3712) 133-29-09.

ЖАВОҲИРЛАР САНДИФИ

Хурматли газетхон. Шарқ адабиётига хос бўлган Жамшид, Лукмони ҳаким, Русами дoston, Нўширавони одил каби бир неча афсонавий тимсоллар борки, улар халқимиз орасида қадим-қадим замонлардан бери машҳурдир. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз — Ҳотам ибн Тай ана шулар жумласидандир. Ҳотам номи халқ орасида мард, сахий, жасур, қўли очик ва инсонпарвар рамзи сифатида талқин қилинади.

Ҳотам ҳақида ёзилган асарни халқ иборасида «Ҳотамнома», «Ҳотамтой», «Ҳотамнинг етти сафари» ва «Ҳотам саргузаштлари» каби номлар билан атаб келинган. Бу асарда сахийлик, тўғрилиқ, мардлик, жасорат, ростгўйлик, дўстлик, севги ва садоқат, тинчлик, мурувват, фаровонлик ҳамда каттага ҳурмат — кичикка шафқат каби эзгу гоюлар кенг маънода тараннум қилинади.

Биз қуйидаги ҳикояларни «Ҳотамнома»нинг 1900 йилда Тошкентда О. А. Порцев литографиясида чоп этилган «Ҳотамномайи туркий» китобидан бериб боришни лозим топдик. Чунки «Ҳотамнома»нинг кўлжазма нусхасидан кўра, тошбосма нусхасининг тили соф ўзбек тилига яқин ва раван бўлиб, кўпчиликка тушунарлидир.

Донишмандлар хазинасидан

МАЛИКА ХУСНИЯ БОНУ

(«Ҳотамномайи туркий» китобидан)

Келтирибдурларким қадим замонда бир улуг вилоят бор эрди. Одамлари ҳаммаси ғаний (бой) ва тавонгар (савдогар) эрдилар. Анга лойиқ подшоҳи ҳам бор эрди. Отини Гардон шоҳ дер эрдилар. Хазина ва дафинаси ҳақдин зиёда ва аскарлари ва раоялари кечаю кундуз дуодин холи эмас эрдилар. Ул шоҳ ўзини одил подшоҳлардин санар эрди. Агар ўғли бир зарра ҳукми шарридан ташқари иш қилса сиёсат дориға топширур эрди. Ушбу давлатларга муносиб ҳазрат халлоқ бир соҳибжамол қиз берган эрди. Хусн назоратда баробари йўқ, ани оти Нодирайн даврон эрди. Ани юзида ва пешонасида холлар бор эрдиким, ўн тўрт кечалик ойни атрофида юлдузлар каби эрди. Гардон шоҳ ани хўб дўст тутар эрди.

Ул кунларда Хожа Барзах деган бир улуг савдогар бор эрди, анинг асли улуглардан эрди. Қазойи илоҳий батақдири раббоний билан Гардон шоҳ тўқум табиат ул хожани дўст тутар эрди. Ул хожага малика Нодирайи давронни никохлаб бериб, шаҳарнинг ўртасида бир ҳовли тайин айлаб, иморати олийлар бунёд айлади. Малика Нодирайи давронни ул хожа билан ул уйга қўйди. Фурсатлар ўтиб, малика хожа Барзахдин ҳомиладор бўлиб, ҳамали меъёрига етиб бир қиз вужудга келдиким, онаси Нодирайи даврондин хусн-жамоли неча ҳисса зиёда эрди. Гардон шоҳ улуг, кичик ҳаммалари хушҳол ва хуррам бўлдилар ва шуқроналар адо айлаб, номини Хусния бону қўйдилар. То ул қиз ҳам етти ёшига етти, Нодирайи давроннинг насибаси узилиб, дорулқазодин дорулбақоға риҳлат айлади. Оз муддатда Хожа Барзах ҳам бу оламга видоъи айлаб, фано йўлини тутди.

Ҳамма амвол ва ҳовли Хусния бонуға қолди. Хусния бону бир ҳафта Гардон шоҳ ҳузурда ва бир ҳафта ўз уйида бўлур эрди. Ёши ўнга етди. Манзардан ҳар тарафга боқиб, тафарруж (томоша) қилиб ўтирган маҳалда улуг кўча билан бир азиз ўтиб борур, ани кўрдиким, икки юз одамни қўлида олтин фишт ва икки юз одам илкинда қумуш фишт. Ул одамлар ҳар қайсилари ул шайх бобаракот отлиг ўтгандин сўнгра оёғини тагига қўйиб, югуриб ҳар ким ўз фиштини олиб илгари ўтарлар. Бу микдор салтанатлар билан ўтиб борадур.

Хусния бону доясидин сўрадиким, «Бу нечук воқеадур?» Дояси жавоб бердиким «Бул шайх Гардон шоҳнинг пиридуру, анга зинҳор беодоблик айлама, қизим». Хусния бону хайратда қолди. Яна бир куни Гардон шоҳ олдида эрди, ёдиға ул шайх бобаракот тушиб, отасиға (бобоси) арз айлардиким, эй ато, сўзнинг пири равшан замирингизни бир зиёфат айласам, агар ижозатлари жорий бўлса, деди. Гардон шоҳ хуррам бўлиб, жавоб бердиким, «Фалон куни зиёфат айлағайсан», — деб. Малика хуш ва хуррам бўлиб, уйиға келиб то ул кун бўлгунча тараддулар айлаб, асбоби зиёфатларни тайёр айлади. Дояга

бюрдиким эртага ул шайхни таклиф айлағайсан. Доя ҳам хизмат чодирини бошига олиб, шайхни эртага таклиф айлаб, маликанинг саломини еткурди. Шайх зиёда хушҳол бўлиб, эртага борурни ижозатини берди. Доя хурсанд бўлиб малика хизматиға етиб, маълум қилиб дилжаъм бўлдилар. Ул куни ўшал кечаси тараддул меҳмондорликда бўлиб турдилар.

Эртаси қиём вақтида ул шайхни номуборакнинг асари пайдо бўлди. Ул тўрт юз адад муридлари билан қоидаи аввал билан гишти тилло ва гишти нуқраларни ерга ясаб, ул шайх отлиг фишти тилло ва гишти нуқралар устидин юриб, етиб келди. Хожа саролар (хизматкорлар) буларни меҳмонхонаға туширдилар, зиёфатларни олий айлаб қиёмига етиб, маълум кеча то тонггача зикру суҳбатлар билан ўтди. Эртаси то келган вақтларигача мунда бўлдилар. Малика ихлослар билан ул тўрт юз фиштбардорларни ҳаммасига либослар ва ҳаржи инъом айлади. Хусусан шайхға бир от ясаб, бир тўққиз либос, бир лаганда нақдина ҳады гўён деб бердилар. Ул шайх дуо ва фотиҳа

айлаб отланди, бадастури аввал ўз маконига жўнади. Ва лекин асбоб-анжомларға кўпроқ оғизларини суви келиб эрди.

Зиёфатдан сўнғ оз фурсат ўтгач, тунда маликанинг уйқуси келмади, ярим кеча булиб эрди, ўрнидан туриб

ўлтирди ва лекин ташқаридин садойи беҳудалар ва одамларнинг оҳиста-оҳиста овози ҳам келарди. Малика эшикни қия айлаб боқса, ул тўрт юз зокирлар шайх бошлиғ, ҳамма асбобларни ва палосларни нақш, бўйрадин бўлакни орқалариға олибдурлар, хизматкорлардин бир нечаси мажруҳ ва бир нечаси шаҳид ҳам бўлибдур. Малика билдиким дод-бедоннинг вақти ўтибдур, доясини уйғотди, воқеадин хабардор айлади. Доя покиза билдиким ул шайх бирлан муридлардур, ноилож бўлиб кечани ўткардилар. Эрта билан туриб Гардон шоҳ хизматиға бориб арз айладиларким, бу кеча кўп ўғрилар вақт топиб, уйни ғорат айлаб, нақш ва бўйрадин бўлак ҳеч нимани қўймай олиб кетдилар ва лекин ул тарроларни (ўғрилар) хўб танидим, ул пири равшан замирингиздурлар ва фишт кўтарган муридлар хизматкорлардин нечасини шаҳид айлаб ва нечасини мажруҳ айлаб кетдилар, деб. Мундоғ жўрангиз хабарни подшоҳ қулоғига еткурдилар. Гардон шоҳ бир-икки нафасдин сўнғ дарғазаб бўлиб, малика билан дояга боқиб, қаҳр билан дедиким, «Эй гисубуридалар (соҳи қирқилгурлар), мундоғ бўхтон азимни менинг пиримға нисбат берурмусиз, дунёда бўлак одам қолмадим деб, бирдан таниға ларза тушиб, оламни қоронғу бости, беихтиёр бўлиб, «Эй жаллодлар, бормусан, бу икки шўр бахт заифаларни қўйдек бошларини танидин жудо айлаб, ҳиндулардек танларини куйдириб осмонға совруғил, бу оламдин номлари ўчиб кетсин», деб ҳукм айлади. Жаллодлар малика билан дояни олиб чиқиб хохладиким, Гардон шоҳнинг айтганидек қилгайлар. Гардон шоҳнинг вазирларидан бири ўрнидан туриб дуо санодин сўнгра дедиким, эй шоҳ ва аъложоҳ то каёмарс одамдан буён ҳеч подшоҳи заифалар қонини тўкмагондурлар, алалхусус ўз фарзандингиз, энди арзим шулки бир биёбонға олиб бориб ташланса ўлган ҳукм бўлғай деб, подшоҳдин ижозат олиб, ул вазир дарҳол жаллодлар қўлидан малика билан дояни ажратиб олиб, сўнгра буларни бир маофаға солиб, ўзи бош бўлиб бир қўрқинчилик дашт-биёбонға етқуриб қўйиб дедиким, эй нури дийдаларим агар ишларинг ҳақ бўлса, офтоб янглиқ рўшноликға чиқарсизлар деб, бир онча об-оziқ билан ул ерга тушириб, ўзи йиғлаб буларни худоға топширдим деб шаҳар сари равона бўлди.

Ул муштипарлар бул дашт-биёбонда танҳо қолдилар. Офтоб қизиб буларға ҳароратидин таъсир айлаб, беҳуш бўлиб, бу кунни машаққат билан ўткардилар, кечаси бўлди, то ярим кечағача бири ухлаб бири бедор бўлиб турар эрдилар. Кундузлари бир жойи осойиш қилгундек ерни излар эрдилар. Неча кундин сўнгра узогдин бир дарахти намудор бўлди, йиқилиб, сурилиб ул дарахт олдиға юзландилар.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

(Давоми бор).



— Режали ишда ҳикмат катта, — дейди Бектемир тумани маданият уйининг раҳбари Бувинисо Исмоилова.

Ҳаётини лавҳалар

ОҚЛОВ ҲУКМИ

Ҳукм ўқилди, суд тугади. Иброҳим ака ёллаган адвокатнинг нутқи суд залида ўтирганларға қаттиқ таъсир қилди.

Қариндош-уруғлари уни табриклашар, аммо у жароҳатлангандек букилиб ўтирар, гўёки оқлов ҳукми қўшнисига тегишлидек эди.

Авллодлари тинч-тотув яшашган ерда икки қўшни бир қарич жой деб қариндош-уруғини ҳам, маҳаллани ҳам, ўтганлар руҳини ҳам безовта қилишди.

Жанжал гишtidан девор кўтаришди, ҳақорат сўзлари сувоқ, тан жароҳатидан оққан қон сув бўлди.

Қўшниси уни судга берди.

Мана таги бўш девор йиқилди, йиқилганда ҳам икки «уста»нинг устига йиқилди, гапга қолишди, уятга қолишди.

Иброҳим ака айбсиз деб топилди, шу бир қарич ер унга тегишли эканлиги аниқ бўлди.

Аммо қўшниси эмас, Иброҳим ака ўзини мағлубдек, қаттиқ жароҳатлангандек ҳис этар, дарз кетган 50 йиллик оқибат яраси энди қачон битиши ҳақида ўйлар эди.

У суд залидан аста-секин юриб чиқар экан, одамлар ичидан қўшнисини қидирарди, гўёки унинг учун яна бир оқлов ҳукми етишмаётгандек эди...

БУКИЛГАН МИХ

Куз келиб, ёмғир томчилай бошлади.

Ҳақимжон отасининг «том устини таъмирлаб қўймасақ бу йил ҳам чакки ўтиб кетади» деганини эслади.

Ота-бола ишга тушиб кетишди.

Отаси соч-соқоли оқариб, ҳассага таяниб юрса ҳам ўғлига ёрдам деб ёнма-ён туриб ишлашди. Кечга яқин ишнинг охири кўриниб қолди.

Отаси пастга тушишга шайландию ўғлини қараб турганини сезиб, «Ҳақимжон, мана бу мих букилган экан,

сандонда тўғрилай чиқай», деди.

Отасини гапидан ҳайрон бўлган Ҳақимжон хаёлидан ўтказди: «Отам ҳам жуда қизик одам, иш қизиб турган пайтда, шунча михлар турганда битта михни тўғрилайман деб пастга тушиб кетсалар-а».

Нарвондан пастга тушаётган ота ўғлини борлигига шуқр қилиб, ўзига-ўзи гапирар эди:

«Эҳ, михжон, яхшиям сен бор экансан. Белинг букчайган экан, бел оғригини ўзинг тушунасан. Белинг букри бўлганигаям шуқр».

ИТЛИ ОДАМ

Равшан ишга шошиб йўлга чиқди.

Аксига олиб ёмғир майдалаб ёғар эди.

Йўлақда одам камлигидан узокдан ит етаклаб келаётган одам кўринди. Ит етаклаган одам яқинлашган, Равшан беихтиёр йўлак четига ўтиб турди. Улар ўтиб кетгач туфлисига ёпишган лойни қоқиб-қоқиб, йўлда давом этди. Оёғини ҳар силтаганда ёмғир аралаш лой шимиға ҳам сачрар эди.

«Итингизни олинг, мен итга эмас, ит менга йўл бериши керак-ку, десам яхши бўлармиди?! — хаёлидан ўтказди Равшан.

«Агар шундай десам итини олса хўп-хўп, мабодо олмай занжирини бўшатса-чи, ит қолиб ўзи ҳам итлик қилса-чи. Шунисидан асрасин».

Автобус келаётганини кўрган Равшан ҳамма нарсани унутгандек бекат томон чопиб кетди.

Михмонали НИЁЗОВ.



Нургинамсиз, дўмбоқларим

Ниҳол

ТУЯ ҚИЛИБ БЕРАЙМИ?

Тоғаси олиб келган шоколадни қўлига ушлаб кўчага чиққан Аҳмаджон қаршисидан маҳаллада очкўзлик билан «ном чиқарган» Суктой амаки чиқиб қолди.

— Болатой, шоколаднинг туя қилиб берайми?
— Майли.

Амаки шоколаднинг олти жойидан тишлаб еб:
— Қара, қандай чиройли туя бўлди, — деди.

Алданганини билган бола сўради:

— Ҳамма вақт ва ҳамма ерда ҳам шунақа туя қилиб юрасизми?
— Албатта.

— Сахро ва чўлларда нега туялар камайиб кетди десам, сиз туя қарвонларини ҳам «туя қилиб» юборган экансиз-да.

ТОБИ ҚОЧИБ ҚОЛИБДИ

— Боғчадан келгунингча кеча олиб келган кучукчанг қочиб кетибди, — деди она ўғлига.

— Ўзи бугун ҳамма нарсанинг қочадиган куни экан.

— Яна нима бўлди?

— У ёқда ўртоғим Анварнинг ҳам тоби қочибди.

ИТ ЭГАСИНИ ТАНИМАЙДИ

Боғчадан келган Наргиза отасидан илтимос қилди:

— Дада, эртага итимизни мусобақага олиб борма қўяқолинг.

— Нега, қизалоғим?

— У сизни тишлаб олади.

— Қаердан билдинг?

— Мусобақада «ит эгасини танимайди», — дедигиз-ку.

БОШИДА ЁНҒОҚ ЧАҚАЯПТИ

— Ойижон, тешани ҳеч ким топа олмайдиган жойга яшириб қўйдим, — деди тўрт ёшли Наргиза.

— Нега, қизим?

— Бувим, отанг пианиста бўлмай ўлсин, онангни бошида ёнғоқ чақаяпти, дедилар.

ДАДАМНИ УРИШИНГ

Қизининг қўлида шиша бўлақларини кўрган она жигибийрон бўлди:

— Вой, қизимей, сенга неча марта айтдим, шиша ўйнама, синдирма деб, кўзинг ёки қўлингга кириб кетса нима бўлади?

— Кечиринг ойижон, билмай синдириб қўйдим.

— Майли, қизгинам, бориб қўлингга юв.

— Ойижон, ҳали дадам ишдан келганларида уларни ҳам уришинг.

— Нега?

— Кеча Собир амакимга, юр, уйга кириб битта бутилкани «майдалаймиз», дедилар.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

Ажойиботлар

БОД КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАЙДИ

Польшанинг Лодз шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Биос» фирмасида ишлаб чиқарилаётган ёстиклар нафақат уйқусизликка даво бўлмоқда, балки кишини шамоллашдан сақлашда ҳам муҳим восита саналади. Бу гаройиб ёстикларга алоҳида тайёрланган моддалар шимдирилади. Ушбу моддаларнинг бири микробларни ўлдирса, бошқаси киши асабини тинчлантиради.

Фирма мутахассислари айни вақтда бод касаллигини даволайдиган тўшаклар ишлаб чиқаришни бошладилар.

ШИШАЛАРДАН ФЙДАЛАНИБ

Буюк британиялик мутахассислар шиша идиши чиқиндиларидан фойдаланишнинг йўлини топишди. Улар шишани майдалайдиган махсус мослама ҳам тайёрладилар. Ана шу махсус курилма ёрдамида майдаланган шиша синиқларидан қаҳвахона, ресторан, меҳмонхона эгалари безак сифатида ҳам фойдаланмоқдалар. Шиша синиғини бетон, асфальт ҳамда цемент қорималарига аралаштириш натижасида йўлнинг чидамлилиги ошмоқда. Натижада автомобиль шишаларининг тез едирилишининг олди олинмоқда.

Дилноза ФИЁСОВА тайёрлади.

Турфа олам

ҚОШИҚ ТАРИХИДАН

• Қошиқ тош асрида пичокдан кейинроқ пайдо бўлди. Дастлабки қошиқ тошдан эмас, балки лойдан ясалган. Ундан бўтқа, суюқ овқат ейишда фойдаланишган. Қошиқ ўша даврда юмалоқ, ярим шар шаклида бўлган.

• Европада қошиқ VII-VIII асрларда кенг тарқалган. X-XI асрларда ёғоч қошиқ, Скандинавия, Болтик бўйи, Россия ва Европанинг бошқа ўрмонли худудларида расм бўла бошлади.

• Қошиқ тайёрлашда, ёғоч-

дан ташқари, ҳайвон шохидан, кейинчалик эса бронза ва қумуш сингари металллардан фойдаланилган. Ҳозирги шаклдаги қошиқлар XVII асрда пайдо бўлди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Шарқ гурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОМО БЎЛА...

• Болалар, сизга насиҳат қилганлар дўстларингиздир, аксинча, ёмон ишларни ўргатадиганлар душманларингиздир. Яхши ишлар инсонни шарафли қилишдан ташқари виждон роҳатини то қилади. Ёмон ишларни қилиб юрганлар эса эътиборлари бўлаганидан ташқари, юраклари нотинч бўлади, роҳатлари бўлмайди. Яхшилик тарафдорлари бўлган кишилар сизларга насиҳат қилган кишилар бўлса, ёмонлик одати бўлган кишилар эса сизларни ёмон ишга ундаганлардир.

Демак, яхши инсон ҳамisha афсус-надомат чекишдан узоқда, қалблари эса роҳатда бўлади. Ёмон кишилар эса виждон азобига йўлиққан бўладилар, ёмон ишларидан кўрқиб, азоб-уқубада яшайдилар.

Болалар! Қимматли вақтингизни беҳуда кеткирманг, ҳамisha ҳаракатда бўлинг, шунда сиз роҳат ва фароғатда бўласиз, иззат ва хурматингиз ошади!

• Кўркув ҳам руҳий ҳолатларга тааллуқли иллатлардан ҳисобланади.

Болалар орасида бир-бирларини кўрқитиш қадимий одат. Бу одатга болалар кўпроқ ота-она ва бошқа турли тоифадаги одамлар орқали эшитган кўрқинчли ҳикоялар сабабли ўргандилар. Шунинг учун болаларга дев, жодугар, алвасти сингари нарсалар ҳақида гапирмаган маъқул, бундай ҳикояни тинглаган болаларда кўрқоқлик касали пайдо бўлади, кечаси уйдан кўчага чиқолмаслик, якка-ёлғиз ётолмаслик иллатлари намоён бўлади. Бора-бора асаблари бузилиб, юрак ўйноғи ва оёқ-қўл титраши каби нуқсонларга дучор бўлади.

Мустафо ҲОМИЙПОШШО.

• Шундай нафсига эрк берган кишилар ҳам бўладики, улар ҳаётни фақат еб-ичишдан иборат деб ўйлайдилар ва туну кун айшу ишратга фарқ бўлиб, керагидан ортиқча истеъмол қилдилар. Натижада турли иллатларга йўлиқиб нотавонлик дардини тортадилар. Бундай кишиларга қуйидаги ҳикоят ибратдир.

ҲИКОЯТ. Бир гуруҳ арилар айланиб юриб, бир кўза қиёмга дуч келиб қолдилар. Фурсатни ганимат билиб, имкони борича қиёмдан еб қолишга ҳаракат қилдилар. Оқибати шу бўлдики, қорни лиқ тўлиб, оғирлашиб қолганларидан кейин кўзадан қайтиб чиқолмай, ўлимга юз тутдилар ва ортиқча ейишнинг натижаси ҳалокат эканини кеч англадилар.

• Ўзининг куч-қудратига, амал ва обрўсига ишониб, ожиз ва бечора кишиларга жабр-зулм қилмоқ, ҳақорат тошини отмоқ нодон кишиларнинг ишидир. Куни келиб бундай кишилар ўзи хўрлаган кишилардан хорлик жабрини тартади.

Ғулум Муҳаммад ВОСИФ.

• Тўрт нарса сихат-саломатликни сақлайди: иштаҳа келганда овқат емоқ, оғир нарсаларни кўтаришдан тийилмоқ, ҳаракат ва сокинликни меъёрида тутмоқ ва ўзидан гамни узоқ қилмоқ. Байт:

Иштаҳа келмасдан еса ҳар кимса,

Ранж ила меҳнатга бўлур мубтало.

Ундан ҳам оғир — қўлда оғир юк,

Қўлгасмас юракка бўлади бало!

«Нигористон»дан.

• Беш нарсдан аввал беш нарсанинг қадрини бил: қаримасдан аввал ёшлик қадрини, қашшоқликдан аввал неъмат қадрини, қарамликдан аввал озодлик қадрини, ўлимдан аввал тирлик қадрини!

«Аталар сўзлари»дан.

• Шундай ҳоллар ҳам бўладики, ярамас кишилар оқ кўнгли одамларга хусусат қилиб, уларга тухмат тошини отадилар. Атрофга номард шохидларни йиғиб, ўз тухматларининг «ҳақ» эканлигини «исбот» қилдилар. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоят машҳурдир.

ҲИКОЯТ. Бир ит қўйга тухмат қилиб, бир маҳаллар унги бугдой берганини даъво қилди ва исбот учун гувоҳ сифатида бўри, калхат ва каркасни олиб келди. Қўй ночор қолиб, «қарз»ни ўлаш учун жунини сотишга мажбур бўлди.

• Борига қаноат қилмоқ оқиллар ишидир. Баъзи нокас кишилар керагидан ортиқча топиш учун ўзини ўтга-чўққа уриб беш бармоғини оғзига тикадилар. Бундай кишилар ҳақида қуйидаги ҳикоят бежиз айтилмаган.

ҲИКОЯТ. Эшак билан маймун ўзаро суҳбат қуриб, ўз тқдирларидан нолир эдилар. Эшак шохи йўқлигидан маҳзун бўлса, маймун думсизлигидан гамгин эди. Бундан хабардор бўлган кўрсичқон уларнинг олдига келиб деди:

— Эй ёронлар, бўлар-бўлмага гам чекаверманглар, (орига шукр қилинглар. Кўрсичқон холи сизникидан яхши эмас!

• Кимки риёкорликни одат қилиб, ширин-шакар сўзлар билан оғзини қанча тўлдирмасин, куни келиб унинг сири юриш-туришидан ошкор бўлади.

«Ҳикоёти дилписанд»дан.
Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржмаси.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳоқимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилмиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилди. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Руйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 13-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
босмаҳонаси. Корхона манзили.
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.